



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 14 сентябрь, № 189 (8812)

Шанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАТОНАТЛИ СПОРТЧИЛАРГА ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 сентябрь куни XVII ёзги Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари билан учрашди.



Тадбирда Миллий Паралимпия қўмитаси ва спорт федерациялари раҳбарлари, мураббийлар, спортчи-

ларнинг ота-оналари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, мазкур мусобақа 28 августдан 8 сентябргача Франция пойтахти Париж шаҳрида бўлиб

ўтди. Унда 168 та давлатдан 4 минг 400 га яқин паралимпиячилар қатнашди. Ўзбекистондан 9 та спорт

тури бўйича 65 нафар йигит-қиз иштирок этди.

Олимпиадада бўлганидек, Паралимпия ўйинларида ҳам мамлакатимиз учун ютуқлар, рекордлар кўп бўлди. Вакилларимиз 10 та олтин, 9 та кумуш, 7 та бронза — жами 26 та медални кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида дунёда 13-ўринни, Осиё қитъасида 3-ўринни, туркий ва ислом мамлакатлари ҳамда Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича 1-ўринни эгаллади.

Президент спорт жамоатчилигини ушбу натижалар билан халқимиз номидан табриклаб, нутқ сўзлади.

— Паралимпия ўйинлари — бу чинакам ирода, жасорат ва матонат, эзгулик ва гуманизм намоиши. Сиз юксак марраларни эгаллаб, мусобақаларнинг ҳақиқий қаҳрамонларига айландингиз. Ўзбекистон ўз спорт тарихида кўп-кўп ютуқ ва зафарларни кўрган. Лекин Паралимпия ўйинларида бундай рекорд натижа илгари бўлмаган эди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қайд этилганидек, Японияда бўлиб ўтган аввалги Паралимпиададан сўнг келгуси сафар кучли ўн бешта давлат қаторига кириш мақсад қилинган эди. Ўтган йиллар давомида бу йўлда катта тайёргарлик кўрилди. Ижтимоий давлат тамойилига мувофиқ ногиронлиги бўлган спортчиларга барча шароит таъминлаб берилди. Ният ортиги билан ижобат бўлиб, мамлакатимиз дунёда 13-ўринни эгаллади. Жумладан, ядро улоқтириш баҳс-

ларида олтин медаль олган Хусниддин Норбеков уч карра Паралимпия чемпиони бўлди. Яна бир ядро улоқтирувчиси Бобиржон Омонов ва дзюдочиси Шерзод Намозов иккинчи бор бундай ғолибликка сазовор бўлди.

Диск улоқтириш бўйича моҳир спортчи Толиббой Йўлдошев бирйўла иккита маррани забт этиб, ҳам олтин, ҳам бронза медални кўлга киритди. Икки карра Паралимпия чемпиони Ёрқинбек Одилов найза улоқтириш бўйича Осиё рекордини янгилади. Шунингдек, Асадбек Тоштемуров таэквондо, Қудратуллохон Маъруфхўжаев ва Элбек Султонов ядро улоқтириш баҳсларида ғалаба қозонди.

Бу йилги ўйинлардаги медалларнинг 11 тасини қизларимиз кўлга киритгани диққатга сазовор. Асила Мирзаёрова узунликка сакраш, Нурхон Курбонова найза улоқтириш бўйича Паралимпия чемпиони бўлди. Улар ўз натижалари билан ушбу ўйинлардаги ва жаҳон миқёсидаги рекордларни ҳам янгилади. 15 яшар Шаҳинахон Йигиталиева кумуш медални кўлга киритиб, Паралимпия ўйинларидаги энг ёш совриндор сифатида тарихга кирди. Рўза Қўзиёва пауэрлифтинг бўйича иккинчи ўринни эгаллади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПАРИЖДА БЎЛИБ ЎТГАН XVII ЁЗГИ ПАРАЛИМПИА УЎЙИНИДА ИШТИРОК ЭТГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Қадри ватандошлар! Қаҳрамон ўғил-қизларимиз! Хурматли устоз-мураббийлар, муҳтарам ота-оналар!

Шу кунларда жонажон юртимиз катта байрам шухуҳи билан яшамоқда.

Сиз, азиз спортчилар Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган XVII ёзги Паралимпия ўйинларида рекорд натижаларга эришиб, мамлакатимизга мана шундай байрам руҳини олиб келдингиз.

Барчангизни оламшумул ютуқ ва натижаларингиз билан ўз номидан, эл-юртимиз номидан чин юракдан самимий табриқлайман.

Муҳтарам дўстлар!

Ушбу халқро спорт анжуманида дунёнинг 168 та давлатидан 4 минг 400 га яқин энг кучли ва маҳоратли спортчилар иштирок этгани унинг нуфузи ва миқёси нақадар улкан эканидан далолат беради.

Шу маънода, Паралимпия ўйинлари — бу чинакам ирода, жасорат ва матонат, эзгулик ва гуманизм намоиши, десак, тўғри бўлади.

Сиз, азиз шижоатли фарзандларимиз гоят кескин беллашувларда юксак марраларни эгаллаб, мусобақаларнинг ҳақиқий қаҳрамонларига айландингиз.

Ўзбекистон жамоаси 10 та олтин, 9 та кумуш, 7 та бронза медални кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 13-ўринни, Осиё қитъасида 3-ўринни, туркий ва ислом мамлакатлари ҳамда Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича 1-ўринни эгаллагани бундан яққол тасдиқлаб турибди.

Маълумки, Ўзбекистон ўз спорт тарихида кўп-кўп ютуқ ва зафарларни кўрган. Лекин Паралимпия ўйинларида бундай рекорд натижа илгари ҳеч қачон бўлмаган эди.

Бу — сизларнинг тинимсиз меҳнатингиз, букилмас иродангиз, истеъдод ва маҳоратингиз самарасидир.

Бу — юртимизда инсон қадрини амалда таъминлашга қаратилган тизимли ишларимиз натижасидир.

Ўз Ватанини жону дили билан севадиган, метин иродали, юрагида ўти бор инсонларгина шундай улуг ишларга қодир бўлади.

Халқимиз сизлар билан чексиз фахрланади.

Катта раҳмат сизларга!

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Биз Токио Паралимпия ўйинларидан сўнг кейинги сафар, албатта, кучли «ўн

бешталикка» кирамиз, деб эзгу ният қилган эдик.

Ўтган йиллар давомида шу мақсад йўлида тинимсиз меҳнат қилдик. Спортчиларимиз учун барча зарур шароитларни яратиб, юксак марралар учун пухта замин тайёрладик.

Натижада Ўзбекистон бу йилги Паралимпия ўйинларида биринчи марта энг кўп таркиб билан, яъни 9 та спорт тури бўйича 65 нафар спортчи билан иштирок этди.

Айниқса, паравелоспорт бўйича вакилларимиз ушбу мусобақаларда илк бор қатнашгани алоҳида эътироф этиш лозим.

Албатта, Паралимпия ўйинларида эришилган ҳар бир ютуқ, ҳар бир натижа бекиёс аҳамиятга эга. Чунки тўрт йилда бир марта ўтайдиган бундай йирик халқро мусобақа орқали дунё ваҳжамияти ҳар бир қатнашчи мамлакатда инсоннинг жисмоний ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқаришга қандай эътибор қаратилаётганига баҳо беради.

Шу боис сизлар тарихий ютуқларингиз билан Ўзбекистон шаънини, юртимиз нуфузини юксак босқичга олиб чиқдингиз, десак, ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун Паралимпия яқунларини таҳлил қилар эканмиз, аввало, эришилган рекорд натижаларга ургу беришимиз табиий, албатта.

Авалло, шуни таъкидлаш керакки, ушбу Паралимпиадада юртимиз вакиллари жами бўлиб 26 та медални кўлга киритиб, тарихий рекорд ўрнатдилар. Бундай мислсиз, ёрқин ғалаба Ўзбекистон тарихига олтин ҳарфлар билан муҳрланди.

Бу ҳақда гапирганда, афсонавий енгил атлетикачимиз Хусниддин Норбековнинг мамлакатимиз тарихида биринчи марта уч карра Паралимпия чемпиони бўлганини, шу билан бирга янги рекорд ўрнатганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Паҳлавон ўғлонларимиз Бобиржон Омонов ва Шерзод Намозов ядро улоқтириш ва дзюдо бўйича иккинчи бор олтин медалларни кўлга киритдилар. Бобиржон эса Паралимпия рекордини ҳам янгилагани юксак эътирофга лойиқ.

Мана, бизнинг қандай баҳодир фарзандларимиз бор!

Айни вақтда юксак матонатли қизларимиз ҳам Ўзбекистон ғалабасига муносиб ҳисса қўшганлари тўғрисида ҳар қанча гуруру ва ифтихор билан гапирсак арзийди, албатта. Жамоамиз кўлга киритган медалларнинг 11 таси айнан қизларимиз

ҳисобига ёзилгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Шижоатда тенгсиз қизларимиз Асила Мирзаёрова узунликка сакраш, Нурхон Курбонова эса найза улоқтириш бўйича Паралимпия чемпиони бўлдилар. Улар ўз натижалари билан ушбу ўйинлардаги ва жаҳон миқёсидаги рекордларни ҳам янгилаганига қойил қолмасликнинг иложи йўқ.

Нурхон қизимиз айни пайтда ядро улоқтириш бўйича бронза медални ҳам кўлга киритди ва иккита медаль соҳибасига айланди.

15 яшар навқирон қизимиз — Шаҳинахон Йигиталиева кумуш медални кўлга киритиб, Паралимпия ўйинларидаги энг ёш совриндор сифатида тарихга кирди.

Офарин сизларга, она қизларимиз!

Барака топинглар, доимо бахтингизни, омадингизни берсин!

Моҳир спортчимиз Толиббой Йўлдошев ҳам бирйўла иккита маррани забт этди. Кўриб турганингиздек, унинг кўксига ҳам олтин ва бронза медаллар нур сочиб турибди.

Яна бир қаҳрамонимиз, икки карра Паралимпия чемпиони Ёрқинбек Одилов найза улоқтириш бўйича Осиё рекордини янгилади.

Бугун мана шу тантанали маросимда Қудратиллохон Маъруфхўжаев, Элбек Султонов, Асадбек Тоштемуров, Шерзод Намозов каби ўғлонларимиз ҳам олтин медаллар билан яна бир бор чин юракдан кутлаймиз.

Қаҳрамон спортчиларимиз эришган ютуқлар ҳақида тўлиб-тошиб, яна узоқ гапирши мумкин.

Пўлат иродали қизимиз Рўза Қўзиёва пауэрлифтинг бўйича кумуш медални кўлга киритди. Аслида бу олтинга тенг ғалаба эканини бутун дунё тан олди.

Таэквондо бўйича терма жамоамиз биринчи марта Паралимпия ўйинларида 3 та медални кўлга киритди ва умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллади.

Енгил атлетика бўйича вакилларимиз эса биринчи марта 8 та олтин медални, яъни энг юқори совринларнинг 80 фоизини эгаллаганлари алоҳида диққатга қаратиш керак.

Ана шу ғалабалар шарафига Парижда

Ўзбекистон мадҳияси 10 бор янграб, мамлакатимиз байроғи 26 марта баланд кўтарилганида миллий гурубулимиз ҳам юксакларга кўтарилди, десак, муволаба бўлмайди.

Мана, биз мақсад сари чин дилдан интиласак, қандай буюк марраларни эгаллашга қодирмиз!

Мана, биз бирлашиб, ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилсак, қандай буюк халқ, қандай буюк Ватанмиз!

Азиз дўстлар! Албатта, ҳамisha кескин ва мурасасиз курашлар билан ўтайдиган Паралимпия ўйинларида фақат энг кучли ва иродали спортчиларгина иштирок эта олади.

Шу маънода, бу гал озгина омад етишмаган бўлса-да, Ватанимиз шарафини бор куч-ғайрати билан ҳимоя қилган, қизғин беллашувларда катта тажриба орттирган спортчиларимиз — парадзюдочилар Турғун Абдиев, Улжон Амриева, Шохруҳ Мамедов, Феруза Эргашева ва параканозчи Шаҳзода Мамадалиевани ҳам самимий табриклаб, келгуси мусобақаларда уларнинг барчасига зафар ёр бўлишини тилаймиз.

Қадри ўғил-қизларимиз! Сизлар эришган бу улкан зафарлар Аллоҳ таолонинг чинакам мўъжизаси бўлган инсон зоти қандай бекиёс имкониятларга, қандай тенгсиз қудратга эга эканини яна бир бор яққол намоён этди.

Чиндан ҳам, бу ҳаётда кўп нарсани ҳал қиладиган омил — бу юксак ирода ва матонатдир. Лекин одамнинг қалбига мана шундай ирода ва матонатни сингдириш, уни тарбиялаб, камолга етказиш — бу албатта осон иш эмас.

Очик айтиш керакки, бундай жасорат ҳаммининг ҳам қўлидан келмайди.

Сиз, азиз фарзандларимиз бугунги ғалаба шохсўпасига етиб келгунга қадар қандай узоқ, оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтганингизни мен ўзимга яхши тасаввур қиламан.

Бу олис йўлда гоҳро турли синов ва муаммолар, шубҳа-гумонлар, ишончсизлик, изтироб ва армонлар ҳам сизларни қийнаганини, қанча-қанча узун тунларни ухламасдан, бедор ўтказганингизни ҳам яхши биламан.

Ўз олдингизга қўйган мақсадга эришиш йўлида сизларнинг бошқаларга қараганда ўн марта, балки юз марта кўпроқ меҳнат қилишингизга, машаққат чекишингизга тўғри келганини ҳам мен яхши англайман.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Халқро меҳнат ташкилотининг Тўлиқсиз иш вақти шароитларида ишлаш тўғрисидаги 175-сонли Конвенциясини (Женева, 1994 йил 24 июнь) ратификация қилиш ҳақида

Конунчилик палатаси томонидан 2024 йил 11 июнда қабул қилинган Сенат томонидан 2024 йил 16 августда маъқулланган

Халқро меҳнат ташкилотининг Тўлиқсиз иш вақти шароитларида ишлаш тўғрисидаги 175-сонли Конвенциясини (Женева, 1994 йил 24 июнь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2024 йил 12 сентябрь № ЎРҚ-962

Учрашув

Ижтимоий ҳимоя йўналишидаги ютуқларимиз эътирофи

Кеча Олий Мажлис Сенатида АҚШ президентининг ноғиронларнинг халқро ҳуқуқлари бўйича махсус наслатчаси Сара Минакара хоним билан учрашув бўлиб ўтди.

Юксак аҳамиятли учрашувда ноғиронлиги бор шахслар учун ижтимоий шарт-шароитларни яхшилаш ҳамда бу борадаги ишларни халқро стандартларга асосида ташкил этиш бўйича ҳамкорликдаги режаларга эътибор қаратилди.

Мулоқотда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча соҳадаги ишхотлар «Инсон қадри учун» деган эзгу тамойил асосида ташкил этаётгани алоҳида таъкидланди.

Мазкур йўналишдаги ютуқларимиз С. Минакара хоним томонидан ҳам эътироф этилди. Учрашувда томонлар Ўзбекистонда инклюзив жамиятини ривожлантириш ва ноғиронлиги бор шахсларнинг барча соҳадаги фаоллигини оширишга доир чора-тадбирларни муҳокама қилди.

Шунингдек, ноғиронлики олдиндан аниқлаш ва коррекция қилиш, тиббий моделдан инклюзив моделга ўтиш ҳамда сифат даражасини халқро стандартларга мослаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўз навбатида, имконияти чекланган шахслар учун мақбул муҳитни яратиш, жамиятда мавжуд стереотипларни бартараф этиш ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотларининг бу борада вазибалари хуусида фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПАРИЖДА БЎЛИБ ЎТГАН XVII ЁЗГИ ПАРАЛИМПИА ЯЎНИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Мана шундай мураккаб дамларда сизларнинг юрагингизга умид ва ишонч, қатъият ва жасорат туйғусини бағишлаган, сизлар билан ёнма-ён туриб, сизларни доимо қўллаб-қувватлаб, зафарли марралар сари руҳлангирган фидойий инсонлар бор. Уларнинг қўлларини бугунги даврда қўриб турганимдан хурсандман.

Булар — аввало сизларнинг меҳрибон ота-оналарингиз, яқинларингиз, жигарларингиздир. Сизлар эришган ғалабаларда уларнинг ҳам албатта муносиб ҳиссалари бор.

Келинган, азиз дўстлар, қахрамон спортчиларимизнинг қахрамон ота-оналари, оила аъзоларини ҳам олқишлаб, уларга энг эзгу тилак ва ҳурматимизни билдирайлик!

Айни вақтда моҳир ва жонқуяр мураббийларга, барча мутасадди ва мутахассисларимизга ҳам чин дилдан ташаккур айтаман.

Айниқса, параангли атлетика бўйича тажрибали тренерлар — Иброҳимжон Юсупов, Яхёббек Ёқубов, Сардор Худойбергенов, Григорий Камула, Азизжон Норматов, Раҳмонберди Хужамов, Галина Казаковага, парадюдо бўйича моҳир мураббийлар — Маҳмуд Омонов, Муратбой Дусумбетов, Алфия Ибрагимова, Фозил Караматов ва паратаэквондо бўйича таниқли мураббий Бобур Қўзиевга, пауэрлифтинг бўйича

тажрибали устозлар — Фазилдин Умирзоқов, парасузиш бўйича Равшанбек Амилов ва ўқ отиш бўйича Наталья Ефимовага, шунингдек, психолог мутахассис Лола Агзамовага алоҳида ташаккур изҳор этаман.

Бугун бир ҳақиқатни тўла ишонч билан айта оламан: Янги Ўзбекистоннинг ўз матонат мактаби, шон-шараф мактаби бор.

Бу мактабнинг чинакам бунёдкорлари сизлар, десак, буюм айни ҳақиқат бўлади.

Ҳеч шубҳасиз, сизларнинг спортдаги, ҳаётдаги ютуқларингиз биринчи навбатда ёшларимиз учун куч-ғайрат манбаи, матонат ва ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Хурматли юртдошлар!

Париждаги ютуқлар ҳақида гапирганда, юртимизда спорт ва жисмоний тарбия соҳасини, Паралимпия ҳаракатини равнақ топтиради берилган эътибор, имконияти чекланган шахсларни қўллаб-қувватлаш, уларга инклюзив шарт шарт бўлиб яшаш имконияти шилар амалга оширилганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Утган йилдан бошлаб, республикамизда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ўз фаолиятини бошлаганидан хабарингиз бор. Шунингдек, адаптив спортни ривожлантириш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг спортини ушбу йўналишига жалб этиш мақсадида Адаптив спорт турлари ассоциацияси ташкил қилинди.

Ҳеч шубҳасиз, Париж майдонларида эришган тарихий ғалабаларда уларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Шу муносабат билан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Адаптив спорт турлари ассоциацияси ҳамда барча спорт федерациялари раҳбарлари ва фаолларига ҳам самимий миннатдорлик билдираман.

Биз келгусида юртимизда параспорт турлари билан бирга ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий бўлган спорт турларини ҳам кенг ривожлантиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Асосий эътибор ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга ижтимоий мослашувини таъминлашга қаратилади.

Шу ўринда халқимиз, зиёлиларимизнинг ўз қахрамон фарзандларига бўлган меҳри ва эҳтиромингиз яна бир ифодаси ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Истеъдодли шоир ва адибларимиз сизларнинг жасоратингизни улуғлаб, "Олимп узра хилпирар Ўзбекистон байроғи" китобининг иккинчи нашрини тайёрладилар.

Бугун мана шу китобларни ҳам ҳар бирингизга эсдалик сифатида совға қиламиз ва сизларнинг номингиздан ижодкорларимизга раҳмат айтаман.

Азиз дўстлар!

Албатта, Парижда эришган натижаларимиз-

ни атрофича таҳлил қилиб, 2028 йилда Лос-Анжелесда бўладиган Паралимпия ўйинлари учун тайёргарликни ҳозирдан бошлашимиз керак.

Узингиз гувоҳ бўлганингиздек, Париждаги "Стад де Франс" стадионида параатлетларимиз югуриш, ядро ва найза улоқтириш, узунлик ва баландликка сакраш бўйича мусобақаларда жуда фаол иштирок этишди.

Энди бундай спорт турлари географиясини янада кенгайтиришимиз керак.

Келгуси Паралимпия ўйинларида амалда юксак самара бераётган спорт турлари қаторида парасузиш ва ўқ отиш каби беллашувлар бўйича ҳам тайёргарлик ва натижадорлик юқори бўлиши учун аниқ стратегия асосида иш олиб боришимиз лозим.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу йилги Паралимпия ўйинларида велоспорт бўйича вакилларимиз илк бор иштирок этишди.

Энди бу йўналишда фақат лицензия учун эмас, балки ушбу нуфузли мусобақаларда аниқ натижага эришиш учун курашиш керак.

Бунинг учун спортчиларимизга барча шарт-шароитлари яратиб берамиз. Хусусан, уларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, фармакология ва диетология бўйича ишлар кучайтирилади.

Шунингдек, параспортчиларимиз билан ишлайдиган спорт психологлари фаолиятини ку-

чайтириш учун уларни рағбатлантириш бўйича алоҳида тизим жорий этилади.

Умуман олганда, келгуси Паралимпия ўйинларида умумжамоа ҳисобида кучли "ўнтаклик"ка кириш бош мақсадимиз бўлади. Бунга эришиш учун тегишли вазирилик, спорт федерациялари ҳамда сиз, азизларингиз тақдир ва мулоҳазаларингиз асосида албатта махсус дастур ишлаб чиқамиз.

Қадри дўстлар!

Хурматли спортчилар!

Куни кеча XVII ёзги Паралимпия ўйинларининг голиби ва совриндорлари, уларнинг мураббийлари ҳамда спорт делегациямиз аъзоларидан бир гуруҳини мукофотлаш ҳақидаги Фармонга имзо чеқдим.

Ёзги Паралимпия ўйинларида эришган улкан ютуқларингиз, юксак давлат мукофотлари билан сизларни яна бир бор чин қўлбимдан табриқлайман.

Бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: сизлар тақдирингиз ҳар қандай синовларига қарамасдан, фақат ва фақат ғалаба, эзгу мақсад сари интиладиган инсонларсиз. Мана шундай фазилатларингиз янада зиёда бўлсин, сизларга доимо бахт ва омад келтирсин!

Барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва фаровонлик, янги-янги зафарлар ёр бўлсин!

МАТОНАТЛИ СПОРТЧИЛАРГА ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Яна бир эътиборли жиҳат, таъқондо бўйича терма жамоамиз биринчи марта Паралимпия ўйинларида 3 та медални қўлга киритди ва умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллади. Енгил атлетика бўйича вакилларимиз эса биринчи марта 8 та олтин медални, яъни энг юқори совринларнинг 80 фоизини ўзиники қилди.

Давлатимиз раҳбари музаффар спортчиларимизнинг номинаном тилга олиб, матонатли ғалабаларини эътироф этди. Бу гал бироз омад етишмай, медал ололмаганларни ҳам қўллаб-қувватлаб, келгуси мусобақаларда зафар ёр бўлишини тилади.

Сизлар эришган бу улкан зафарлар Аллоҳ таолонинг чинакам мўъжизаси бўлган инсон зоти қандай беқимс имкониятларга, қандай тенгсиз қудратга эга эканини яна бир бор яққол намойён этди. Чиндан ҳам, бу ҳаётда кўп нарсани ҳал қилаётган омил — бу юксак ирода ва матонатдир. Лекин одамнинг қалбига мана шундай ирода ва матонатни сингдириш, уни тарбиялаб, камолга етказиш — бу албатта осон иш эмас. Сиз, азиз фарзандларимиз бугунги ғалаба шохсупасига етиб келгунга қадар қандай узок, оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтганингизни мен ўзимга яхши тасаввур қиламан. Бу олис йўлда гоҳо турли синов ва муаммолар, шубҳа-ғумонлар, ишончсизлик, изтироб ва армонлар ҳам сизларни қийнаганини, қанча-қанча узун тунарни ухламасдан, бедор ўтказганингизни ҳам яхши биланман. Уз олдингизга қўйган мақсадга эришиш йўлида сизларнинг бошқаларга қараганда ўн марта, балки юз марта кўпроқ меҳнат қилишингизга, машаққат чекишингизга тўғри келганини ҳам мен яхши англайман. Мана шундай мураккаб дамларда сизларнинг юрагингизга умид ва ишонч, қатъият ва жасорат туйғусини бағишлаган, сизлар билан ёнма-ён туриб, сизларни доимо қўллаб-қувватлаб, зафарли марралар сари руҳлангирган фидойий инсонлар бор. Булар — аввало сизларнинг меҳрибон ота-оналарингиз, яқинларингиз, жигарларингиздир, — деди Президент.

Шу муносабат билан маросимда қахрамон спортчиларнинг қахрамон ота-оналари, оила аъзолари ҳам олқишланди.

Давлатимиз раҳбари тажрибали мураббийлар, психолог ва бошқа мутахассисларга ҳам ташаккур изҳор этди.

— Ўзбекистоннинг ўз матонат мактаби, шон-шараф мактаби бор. Бу мактабнинг чинакам бунёдкорлари сизлар, десак, айни ҳақиқат бўлади. Сизларнинг спортдаги, ҳаётдаги ютуқларингиз ёшларимиз учун куч-ғайрат манбаи, матонат ва ибрат намунаси, — деди Шавкат Мирзиёев.

Юртимизда спортни ривожлантиришда имконияти чекланган шахслар ҳам қўллаб-қувватланиб, уларга инклюзив шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу борада Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Адаптив спорт турлари ассоциацияси кўп ишлар қилмоқда.

Президентимиз келгусида ногиронлиги бўлган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган спорт турларини янада кенгайтириш, уларнинг жамиятга ижтимоий мослашувини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлади.

Учрашувда 2028 йилда Лос-Анжелесда бўладиган Паралимпия ўйинларига тайёргарлик масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Аввало, янада кўпроқ спорт турлари бўйича қатнашиш, тайёргарлик ва натижадорлик юқори бўлиши учун аниқ стратегия асосида иш олиб бориш зарурлиги таъкидланди. Хусусан, тиббий кўриқлар, фармакология ва диетология ривожлантирилади. Паралимпиячилар билан ишлайдиган психологлар фаолиятини рағбатлантириш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 сентябрдаги Фармониغا мувофиқ Париж шаҳрида бўлиб ўтган XVII ёзги Паралимпия ўйинларида юксак натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳи фахрий унвон, ордан ва медаллар билан тақдирланган эди.

Тадбирда ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

— Сизлар тақдирингиз ҳар қандай синовларига қарамасдан, фақат ғалабага интиладиган инсонларсиз. Интилан, ҳаракат қилган одам ҳам, жамият ҳам кам бўлмайди. Мана шундай фазилатларингиз янада зиёда бўлсин, сизларга доимо бахт ва омад келтирсин, — деди Президент.

Спортчи ва мураббийлар, ота-оналар сўзга чиқиб, юксак хурмат ва эътибор учун давлатимиз раҳбарига раҳматлар айтди.

Ў.А.

ЭЛЧИЛАРИМИЗНИНГ АХБОРОТЛАРИ ЭШИТИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони Подшоҳлиги ва Покистон Ислому Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ушбу давлатлар билан икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "йўл хариталари" ижроси ҳолати тўғрисидаги ахборотлари эшитилди.

Сенат қўмитасида

Тадбирда сенаторлар, маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари аъзолари, мутасадди вазирилик ва идоралар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Эшитишда асосий эътибор мамлакатимизнинг юқорида қайд этилган ҳамкор давлатлар билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, республика экспорт салоҳиятини юксалтириш, "йўл хариталари"га киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ишлар таҳлилига қаратилди.

Бунда ҳар бир давлат бўйича лойиҳа ҳолати танқидий кўриб чиқилди ва мавжуд тўсиқ ёки муаммолар юзасидан мутасадди вазирилик, тармоқ ва ҳудудлар вакилларининг тушунтиришлари ҳамда тақлифлари муҳокама марказида бўлди.

Маълумки, эшитишга тайёргарлик жараёнида Сенат ишчи гуруҳи томонидан жойларда ма-



Халлий Кенгашлар депутатлари иштирокида тегишли "йўл хариталари"да белгиланган шартнома ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳолати ҳар томонлама холисона ўрганилган.

Шу жараёнда эришилган ижобий натижалар билан бирга, айрим муаммо ва камчиликлар мавжудлиги аниқланган. Хусусан, қатор инвестиция лойиҳалари ижросида қанчугача ер майдонини ажратиш масалаларининг ҳал этилмаганлиги, хорижий ҳамкор билан келишувлардаги номутаносибликлар туфайли

ижро муддатларидаги асосий кечикишлар ва ҳатто тўхтаб қолиш ҳолатлари кузатилган.

Мажлисида мазкур муаммоларга тегишли лойиҳалар кесимида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирилик, Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик, Соғлиқ сақлаш вазирилик, "Ўзкимёсаноат" АЖ, "Ўзэлектросаноат" уюшмаси, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Фаргона, Наманган ва Тошкент вилоятлари раҳбариятлари эътибори қаратилди. Уларга тезкор равишда элчи-хоналаримиз билан биргаллик мавжуд камчиликларни бартараф этиш ёки муқобил лойиҳа тақлифларини ишлаб чиқиш тавсия қилинди.

Бундан ташқари, элчихоналарнинг ўзига бириктирилган ҳудудларда инвестициявий лойиҳаларини илгари суриш ва маҳаллий ҳокимият тармоқлардаги фаолияти талабга жавоб бер-

мапти. Бундай ҳолат БААдаги элчихона бўйича Наманган ва Хоразм вилоятларида, Покистондаги элчихонанинг Тошкент вилоятида ҳамда Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги дипломатик ваколатхонанинг нефть ва газ қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш, шунингдек, капитал бозорини ривожлантириш соҳасидаги илгор тажрибани ўрганиш бўйича фаолияти талаб даражасида эмаслиги қайд этилди.

Сенаторлар томонидан олий даражадаги таширлар якуни бўйича эришилган келишувлар ва қабул қилинган "йўл хариталари"нинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди, устувор вазифарга урғу берилди.

Мажлис якуни бўйича Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

МИНТАҚАМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН МУҲИМ БЎЛГАН ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Аввал хабар берилганидек, 12-13 сентябрь кунлари Хива шаҳрида "Марказий Осиё давлатлари парламенти ва ҳокимият вакиллик органларининг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тугган ўрни" мавзусида иккинчи парламентлароум форум бўлиб ўтди.

Форум

Минтақамиздаги барча давлатлар парламентлари раҳбарлари, ёшлар парламентарлари, дўстлик гуруҳлари вакиллари ва бошқа делегация аъзолари қатнашган мазкур анжуман аввалида

Президент Шавкат Мирзиёевнинг иштирокчиларга йўллаган табриги ўқиб эшиттирилиши унинг аҳамиятини янада ошириб юборди.

Ялпи мажлисдан сўнг форум ўз иши-

ни 4 та сессияда давом эттирди. Уларда қуйидаги масалалар муҳокама-дан ўтказилди:

* минтақа мамлакатлари ўртасида парламентлароум ҳамкорликнинг янги шакллари ва йўналишларини ишлаб чиқиш;

* Марказий Осиё давлатлари ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда парламентлароум комиссиялар, дўстлик гуруҳлари ва маҳаллий вакиллик органлари фаол ишти-

рокини кенгайтиришга қаратилган тақлифлар тайёрлаш;

* ёшлар парламентлари ва гуруҳларининг минтақа парламентлари раҳбарларига муносабатларини юбориш;

* ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда хотин-қизлар ва ёшлар ролини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Айтиш жоизки, форум давомида қўзғалган бу мақсадларнинг барчасига эришилди. Яъни иштирокчилар томонидан минтақамиз тараққиёти учун муҳим бўлган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Форум якунлари бўйича Хива декларацияси қабул қилинди.

Сўз — иштирокчиларга

Толибжон МАДУМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмақлашувчи комиссияси раиси:

— Кейинги йилларда мамлакатимизда парламент халқ минбарига айлантиришга қаратилган ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ана шу мақсадда дастлаб соҳанинг қўнунчилик асоси замон талабидан келиб чиқиб тақомиллаштирилди. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциямизга алоҳида боб ва тегишли моддалар киритилди.

Лобар ҚОБЎЛЖОНОВА, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши котибияти мудир:

— Тили, дини, урф-одатлари, таъбир жои бўлса, тақдир мунтақаб бўлган Марказий Осиё халқларининг бир-бирига интилиши охириги йилларда яққол кузатилмоқда. Бу борада Президентимизнинг хизматлари беқиёс. Эеро, шу инсоннинг савий-ҳаракатлари билан ўзаро алоқалари-

миз янги босқичга кўтарилди. Минтақамиз давлатлари раҳбарларининг учрашувлари бунга яққол мисол бўла олади. Шу форматдаги мулоқотлар жараёнида қатор келишув ва битимларга эришилмоқда, минтақамизга дахлдор муаммоларга биргалликда ечим изланмоқда.

Бундай муҳим ҳамкорлик натижасида маҳалл интеграция жараёни кучайди. Энг муҳими, минтақадан йиғилиб қолган айрим муаммолар, жумладан, чегара, транспорт, сув ресурслари, савдо соҳаларидаги бир қатор зиддиятлар бартараф этилди.

Ўзаро ҳамкорликнинг янги жиҳатларини муҳокама қилиб олиш имконига ҳам эга бўлди.

Шулардан келиб чиқиб айтилган бўлса, Хива форуми замонавий тенденциялар асосидаги ҳамкорликнинг янги босқичига хизмат қилувчи натижаларга бой бўлди. Форум якунида қабул қилинган Хива декларацияси эса ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашимизда дастуриямал вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон ташаббуси боис минтақа мамлакатлари билан чегараолди савдо зоналарини ташкил қилиш бошлаб юборилди. Ҳозирги вақтда Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон билан бундай ҳудудларни шакллантириш механизми йўлга қўйилган.

Эндиги босқичда барча йўналишдаги алоқаларни янги даражага кўтариш талаб этиляпти. Бунда парламентлароум ижтимоий-иқтисодий интиқдорликнинг энг тўғри йўлидир.

Хива форуми ана шу мақсадда уюштирилган бўлиб, қўзғалган мақсадларга эришилди, деб уйлаймиз.

Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати:



— Маълумки, Марказий Осиё давлатлари нафақат умумий чегараларни, балки ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини, географик жойлашувини, шунингдек, мамлакатлар миллий иқтисодиётини акс эттирувчи экспорт тузилмасининг ўқшашлигини ҳисобга олган ҳолда бир қатор хусусиятларни бирлаштирди.

Шу нуқтаи назардан айтганда, Хива форуми ҳам вакиллар кесимини, ҳам мақсадлар қўламини кенгайтирди. Айни вақтда ҳалқ дипломатияси имкониятларидан унумли фойдаланиш, парламентлароум алоқаларни янги босқичга кўтаришда замонавий мулоқот майдони бўлди. Форумда минтақани барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Марказий Осиё парламентлароум комиссиялари ва дўстлик гуруҳлари, ёшлар парламентлари ва хотин-қизларнинг фаолиятини ошириш, ҳамкорликнинг янги шакллари ишлаб чиқиш, хусусан, қўнунчиликни уйғунлаштириш масалалари муҳокама марказида бўлди. Бу беҳиз эмас. Қўллаб соҳаларда келишувларга эришилган ҳозирги вақтда қўнунларимизни бир-бирига мослаштириш ҳам ўта муҳим.

Шу билан бирга, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ўртасида турли лойиҳа ва дастурларнинг жойлардаги ижроси устидан назорат олиб боришда ўзаро тажриба алмашинувини йўлга қўйиш, бунда парламентлароум комиссиялари йиғилишларини ҳудудларда ўтказиш, лойиҳалар қабул қилиш ва уларнинг ижросига қўмақлашувчи тақлифлари илгари сурилди.

Хива декларациясида белгиланган мақсад ва вазифарлар давлатларимиз ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш ва ўзаро ишончга асосланган яхши қўнунчилик алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

«Халқ сўзи».

Маскат шаҳрида Ўзбекистон — Ўмон ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболларига бағишланган давра сўҳбати ташкил этилди.

Қонунчилик палатаси қўмиталарида

ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан "Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чор-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони мазмун-моҳиятига бағишланган семинар ўтказилди.

Маълум қилинганидек, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва улар ўртасида ижтимоий шерикликни кучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида тизимли ишлар рўйбога чиқарилаётган. Хусусан, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун Давлат бюджетидан сўнгги етти йилда 718 млрд. сўм ажратилган. Шунингдек, ҳар бир ҳудудда "Нодавлат ноҳижорат ташкилотлари уйлари" ташкил этилган. Охириги уч йилда эса ҳудудий

фондлар орқали 83 млрд. сўмлик 1600 та лойиҳа амалга оширилган.

Семинарда ушбу Фармон фуқаролик жамияти институтлари давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва соғлом рақобат тамойилга асосланган тизимини, аynи чоғда, ижтимоий фойдали дастурлар самарадорлигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга қаратилгани билан аҳамиятли экани қайд этилди.

Мазкур ҳужжат билан ижтимоий шерикликни ривожлантиришга оид механизмлар жорий қилинган айбиб ўтилди. Жумладан, унга кўра, ҳар йили давлат органлари ижтимоий

буюртма танловлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан очик мулоқот ўтказилади. Шунингдек, давлат органларига фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусли ижтимоий шериклик лойиҳаларини базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 баробаригача танловларсиз молиялаштириш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари, фуқаролик жамияти институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларини ажратиш билан боғлиқ барча жараённинг шаффофлигини таъминлашга қаратилган ягона электрон платформа ишга туширилди.

Тадбир якунида мазкур Фармон фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиши қайд этилиб, унинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

Камбағалликни қисқартириш ишлари қатъий назоратга олинади

Бугунги кунда аҳоли ўртасида камбағаллик ва ишсизликни тугатиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Сабаби, давлатлики устувор. Шу боис юртимизда аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик борлиги тан олинди, уни қисқартириш бўйича алоҳида тизим жорий қилинди.

Муносабат



Ушбу йўналишдаги ишлар 2020 йилда бошланган бўлиб, ўшанда 7,5 миллион ёки 23 фоиз аҳолининг даромади камбағаллик чегарасига етмасди. Ўтган йилларда 3,5 миллион одамни даромадли қилиш орқали 2023 йил якуни билан камбағаллик даражаси 11 фоизга тушди.

Ижтимоий ҳимоя қамрови 4,5 карра кенгайтирилиб, ўтган йили 12,3 триллион сўм йўналтирилди. Маҳаллада камбағалликни қисқартириш, тадбиркорлик лойиҳаларига 35 триллион сўм арзон кредит, 7 триллион сўм субсидия берилди. Қолаверса, 260 минг гектар ер 800 минг аҳолига деҳқончилик қилиб, даромад топиши учун тарқатилди.

Мазкур саяё-ҳаракатлар натижасида фуқароларимиз тайинли иш жойига, яхши даромад манбаига эга бўлди. Хорижга иш излаб кетишдек оғир муаммолардан қутулди. Лекин бу борадаги ишларни ҳамма вилоят ва туманда ҳам бир хил, деб бўлмайди. Масалан, ўн бешта туманда камбағаллик 20 фоиздан юқори бўлса, 16 та туманда аҳолига бўлиб берилган ерларда 2-3 мартадан ҳосил олингани ҳисобига камбағаллик 2 карра кемайган.

Президентимиз раислигида шу йил 11 сентябрь куни камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу йўналишда мутасаддилар олди-га аниқ вазифалар қўйилди.

Бу борада кейинги йиллар учун "Камбағалликдан — фаровонлик сари" дастури тайёрланаётгани, унда етти-та имконият ва масъулият тамойили асосида навбатдаги янги ёндашувлар белгилаб берилиши эътиборга молик.

Шунингдек, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳокимликлар билан бирга бу йил ҳар бир маҳаллаи тўлиқ хатловдан ўтказиб, камбағал оилалар

"портрети"ни ишлаб чиқиши, камбағал оила бўйича индивидуал дастур бўлиши, иқтисодий комплекс оилаларни камбағалликдан олиб чиқиш билан шуғулланиши янги иш ўринларини яратиш билан бирга, камбағаллик даражасини қисқартиришга ҳам хизмат қилади.

Биламизки, камбағалликни камайитиришнинг энг муҳим йўлидан бири — бу тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш. Яъни улар яратган даромадли иш ўринлари камбағалликни камайитиришга ёрдам беради. Бугун юртимизда камида 50 та иш ўрни яратган 9 минг 200 га яқин тадбиркорлар бор. Агар уларнинг режалари қўллаб-қувватланса, фаолиятини кенгайтириб, яна ишчи олиши мумкин. Масалан, Андижон вилоятидаги 58 та паррада корхонаси тухум еттиштиришга 10 минг эҳтиёмжанд аҳолини жалб қилиш, 660 та балик ҳўжаллиги кооперация орқали яна шунча иш жойи яратиш ташаббусини билдирган. Йиғилишда бундай лойиҳаларни молиялаштириш бўйича янги тизим қилиш ва бошқа ҳудудларда ҳам кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди. Бу — юртимизнинг ҳар бир хонадонига, гўшасига ободлик, фаровонлик кириб боради, дегани.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг сифатли таълим ва тарбия олишига алоҳида эътибор қаратилаётган. Чунки оилада бир нафар қиз ўқиб, олий маълумотга, замонавий касб-ҳунарга эга бўлса, хонадондаги муҳит бутунлай ўзгаради. Йиғилишда ҳар бир камбағал оилада, айниқса, хотин-қизлар орасида олий маълумотлилар бўлишига алоҳида эътибор қаратилиши, бунинг учун улар фойсиз таълим кредитлари, грантлар ва бошқа молиявий ёрдамлар орқали қўллаб-қувватланиши айтилдики, бу минг-мингалаб қизларнинг аynи дилидаги гап бўлди.

Шубҳасиз, инсонни оғир вазиятлардан илм, билим, хунар қутқаради. Бу нафақат иқтисодий, балки миллат учун тарбиявий аҳамиятга эга. Илмга интилан ёшларимизни моддий қўллаб-қувватлаш меҳнат бозорига кучли кадрлар, ҳар қандай мураккаб вазиятлардан чиқа оладиган ёшларни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Йиғилишда белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш биз, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Шоҳиста ТУРҒУНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БРУТТО-ШАРТНОМА ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамоат транспортида электрон тўлов тизимини тўлиқ йўловчи ташиниш брутто-шартнома асосида молиялаштириш тизимини жорий этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳолати Тошкент шаҳри мисолида назорат-таҳлил тартибидеа ўрганиш ажуллари муҳокама қилинди.

Таъкидлаб ўтилганидек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жамоат транспортини мукамал янгилаш юзасидан амалга оширилган лойиҳалар натижасида Тошкент шаҳрида охириги тўрт йилда 1800 тадан зиёд замонавий автобуслар харид қилинган. Улар барча қулайликка эга, айниқса, имконияти чекланган аҳоли учун мослашган бўлиб, фуқароларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, брутто-шартнома тизими асосида 189 та янги йўналиш тармоғи электрон тендер танловларидан ўтказилиб, голиблар билан шартномалар тузилган. Бугунги кунда брутто-шартнома асосида Тошкент шаҳрида 908,0 млрд. сўм, Самарқанд, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида 8,5 млрд. сўм пул маблағлари ташувчи корхоналарга тўлаб берилган.

Пойтахтдаги 167 та йўналишнинг барчаси бўйича брутто-

шартнома тизимида хизмат кўрсатиш учун шартномалар тузилган ва тизимга ўтказиш ишлари тўлиқ якунланган. Ушбу саяё-ҳаракатлар натижасида автобуслар оралик вақти 2-3 баробар қисқариб, ҳозирги кунда 8 — 10 дақиқани ташкил этапти. Кунлик йўловчи оқими 1,7 карра кўпайиб, 1 млн.га етган. Электрон тўловларнинг умумий тушумдаги улуши эса 60 фоиз бўлмоқда.

Жамоатчилик назорати — "АТТО" мобил иловаси орқали "Автобус ҳайдовчисни фаолиятини баҳолаш" хизматиға ўтувчи QR-код шакллантирилиб, "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ тасарруфидеа жами 1 426 та автобус салониға жойлаштирилган.

Муҳокама чоғида депутатлар жамоат транспортида кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш, йўлқира ҳақини тўлашда электрон тизимлардан фойдаланиши рағбатлантириш

ва автоматлаштирилган тўлов тизимини ривожлантириш бўйича бажарилган ишларни эътироф этди. Бироқ йўловчи ташиниш брутто-шартнома асосида молиялаштириш тизимини жорий қилиш борасида соҳа ташкилотлари томонидан амалдаги қонунчилик ҳужжатларига етарлича риоа этилмаётгани депутатларнинг эътирозига сабаб бўлди.

Йиғилишда депутатлар томонидан жамоат транспорти жозибдорлигини янада ошириш ва хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида кичик ҳажмли эскирган микроавтобуслардан катта сифимли замонавий микроавтобуслар ва автобусларга босқичма-босқич ўтиш, 2030 йилга қадар автобуслар сонини 5 мингтага, электробусларни 2 мингтага етказиш ишларини жадаллаштириш мақсадиға мурофилгига айтилди. Жамоат транспортида электрон тўловлар жозибдорлигини ошириб, келгусида нақд тўловлардан босқичма-босқич воз кечиш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Яқунда кун тартибидеаги масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ҲАР БИР ОВОЗ — ЭЪТИБОРДА

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг хоҳиш-иродасини эркин ифода қилишда сайлов жараёнлари муҳим аҳамият касб этади. Зеро, сайловлар демократиянинг энг муҳим институти сифатида фуқаролар ва мамлакат сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

«Сайлов — 2024»

Бу борада қайд этиш керакки, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаронинг сайловда фаол қатнашган ҳолда муносиб номзодига овоз бериши нафақат мамлакатнинг келажакдаги ривожланишига, балки фуқароларнинг ҳаёти ва турмуш тарзининг яхшиланшига ҳам бевосита боғлиқдир. Шу сабабли ҳар бир фуқаронинг ўз бурчига жиддий ёндашиб, муносиб танловини масъулият билан амалга ошириши давлат ҳамда жамиятнинг бугуни ва келажакга учун ҳам гоят муҳим саналади.

Маълумки, шу йилнинг 27 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар ўтказилиши муносабати билан 26 июль куни Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинди. Жорий йилнинг 15 август кунига қадар сиёсий партияларнинг сайловларда иштирок этишини қўллаб-қувватлашга қаратилган имзо тўплаш жараёни фаол равишда амалга оширилди. Бу борада минглаб фуқароларимиз ўз фуқаролик позицияларини фаол равишда кўрсатган ҳолда мазкур жараёнда қатнашди. Шундан келиб чиқиб, яқинда сиёсий партиялар томонидан Марказий сайлов комиссиясига имзо варақалари топширилиб, белгиланган тартибда уларни текшириш ишлари амалга оширилди.

Умуман олганда, жорий йилда ўтказиладиган сайловлар қонунчилик тизимида амалга оширилган қатор ҳуқуқий ислохотларға мурофиқ, ўзида бир қанча ижобий жиҳатларни қамраб олган аралаш сайлов тизими асосида ўтказилаётганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.



партия рўйхати асосида шакллантирилди. Бу борада сайлов округлари етмиш бешта ҳудудий бир мандатли ҳамда ягона сайлов округиға бўлинади. Бунда партия рўйхати асосида Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди ягона сайлов округи ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасининг 75 нафар депутати олдинги мажоритар тизим асосида бир мандатли сайлов округларидан, қолган 75 нафари эса партия рўйхати бўйича янги пропорционал тизим асосида ягона сайлов округидан сайланиши белгиланади.

Илмий-ҳуқуқий жиҳатдан олиб қараганда мажоритар, пропорционал ва аралаш сайлов тизими ўзида қандай жиҳатларни қамраб олади?

Тарихан олиб қарасак, бугунги кунга қадар мамлакатимизда ўтказилган сайловлар мажоритар сайлов тизими асосида амалга оширилган. **Мажоритар сайлов тизими** моҳиятиға кўра, сайлов жараёни якуни бўйича кўп овоз олган номзод муайян округ бўйича сайланган ҳисобланади. Бунда овозларнинг умумий сонидеа мутлақ кўп овоз олган номзод сайланган, деб эътироф этилади. Бошқача айтганда, ўз рақибларининг ҳар бириға нисбатан кўп овоз олган номзод голиб деб топилади.

Пропорционал сайлов тизимида сайловчилар аник бир шахсға овоз, балки сиёсий партияға овоз беради. Бунда ҳар бир партия сайлов жараёнида ўз вакиллари-

нинг рўйхатини илгари суриб, сайловчилар тегишли партиялар томонидан кўрсатилган мазкур вакилларнинг рўйхати учун овоз беради. Содда қилиб айтганда, сайловчи амалда номзод учун эмас, балки сиёсий партия учун овоз беради. Мазкур тизимнинг асосий ижобий жиҳатларидан бири сифатида унинг сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини оширишга, партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришга қаратилганлигини ҳам айтиш жоиз.

Аралаш сайлов тизимида депутатлик мандатларининг бир қисми ҳуқуматнинг барқарор шаклланишиға хисса қўшадиган мажоритар тизим тамойиллари бўйича, иккинчи қисми эса пропорционал тизим тамойилларига мурофиқ тақсимланади. Овозларни тўлиқроқ ҳисобға олиш ва мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг ҳақиқий манзарасини аниқроқ акс эттиради.

Шу билан бир қаторда, аралаш сайлов тизимида вакилик органларига сайланган депутатлар ва сайловчилар ўртасидаги алоқани таъминлаш ҳамда партияларға ўзлари олган овозларға мутаносиб депутатлик мандатларини қўлга киритиш имконияти яратилади. Мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларининг ютуқларини уйғунлаштирувчи ва бир-бирини тўлдирувчи аралаш сайлов тизими бугунги кунда дунё мамлакатларида тобора оммавийлашиб бораётганини кузатиш мумкин. Таҳлилларға кўра, Марказий ва Шарқий Европадаги бир қатор давлатларда сўнгги йилларда мажоритар ва пропорционал сайлов тизимлари-

нинг энг ижобий жиҳатларини ўзаро уйғунлаштирган аралаш сайлов тизимини жорий қилиш тенденцияси кучайиб бормоқда.

Бундан ташқари, аралаш сайлов тизими ҳозирда Германия, Испания, Япония, Венгрия, Австралия, Янги Зеландия, Албания, Жанубий Корея, Литва, Мексика, Россия, Арманистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Грузия каби 40 га яқин давлатларда амал қилмоқда.

Шу ўринда қонунчиликдаги ўзгаришларға асосан қуйидаги янги тартиблар белгиланганлигини ҳам айтиш мумкин:

■ партия рўйхатидаги кетма-кетликда камида ҳар беш нафар номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши;

■ депутатлик ўринлари сони аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда белгилианиши;

■ хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Қонунчилик палатаси сайловда пропорционал тизим бўйича овоз беришда иштирок этиши;

■ пропорционал сайлов тизимида сиёсий партиялар сайловчиларнинг камида 7 фоиз овозини олган тақдирда, уларға депутатлик ўринлари берилиши;

■ Қонунчилик палатасида фракция тузиши мумкин бўлган депутатлар сони тўққиз нафардан беш нафарға туширилиши;

■ ҳудудий сайлов комиссияларининг уч нафаргача бўлган аъзоларининг доимий фаолият юритиши;

■ Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосида ишловчи аъзолари сони етти нафардан тўққиз нафарға оширилиши.

Умуман олганда, мамлакат сиёсий ҳаётида сайлов институтининг ўрни ва роли жуда юқори бўлиб, у асосида фуқароларнинг бугунги замонавий давлат бошқарувида қатнашиш механизмлари ва уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш муҳим саналади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда жорий этилган аралаш сайлов тизими сайлов жараёнларининг барча иштирокчисига қатор ижобий имкониятлар бериши, фуқаролар, партияларнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Аҳрор ҚОШИМХОНОВ, Тошкент давлат юридик университетининг проректори, ю.ф.д., проф.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

Ўзбекистон — яхши ривожланаётган давлатлар сафида

Ўзбекистон "Global Cybersecurity Index — 2024"да "T2 Advancing" — яхши ривожланаётган давлатлар қаторидан жой олди.

Бу ҳақда Рақамли технологиялар вазири ўз расмий "Telegram" каналда маълум қилди.

Хабарға кўра бу йилги Глобал киберхавфсизлик индексида мамлакатларнинг киберхавфсизлик таҳдидларға тайёрларлик чоралари 5 та поғонаға бўлиб баҳоланган (энг пастидан юқоригача: "T5 Building" — пойдевори яратилаётган, "T4 Evolving" — шаклланаётган, "T3 Establishing" — мустаҳкамланаётган, "T2 Advancing" — яхши ривожланаётган, "T1 Role-modeling" — намуна бўлаётган).

Ўзбекистон аввалги индексға нисбатан ўсгани мамлакатимизда бу соҳаға алоҳида эътибор берилаётганининг намоёнидир.

Фан ва технологиялар оламиға бошлайди

Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирилик хабарига кўра, "Zamin education" лойиҳаси доирасида 20 та таълим муассасасига меҳнатроника ва робототехника бўйича дарсликнинг иккинчи нашри етказиб берилди.



Янги дарслик ўқувчилар учун фан ва технологиялар оламиға бошловчи қўлланма вазифасини ўтайди. У ҳар бир ўқувчининг индивидуал равишда ривожланиши ва танлаган йўналишидаги такомиллашишига имкон берадиган махсус ўқитиш услублари ва турли мураккабликдаги вазифаларни ўз ичига олган.

Шунингдек, ашитишда нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 19 та мақтабға ҳам роботлар ва турли дастурлаштирилдиган қурилмаларни йиғиш учун 190 та робототехника тўплами топширилди.

Темир йўл транспорти соҳасида интеграция

Тошкент шаҳрида Ҳамдўстликка аъзо давлатлар темир йўл транспорти Кенгаши маъмуриятларининг вагон ҳўжаллиги комиссиясининг 78-йиғилиши бўлиб ўтди.



Тадбирда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, юк ва йўловчи вагонлар таъмири сифатини ошириш, иштирокчи давлатларға тегишли юк ва йўловчи вагонлар паркинни янгилаш бўйича олиб борилаётган ишлар, метъерий техник ҳужжатларға ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан муҳокамалар ўтказилди.

Мазкур йиғилиш иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва темир йўл транспорти соҳасида интеграцияни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Маҳсулотни экспортбоп корхона

"Навоий азот" АЖ неғизда фаолият бошлаган "Chemistry International" МЧЖ қўшма корхонаси МДХ ҳудудида ягона ҳисобланади. Замонавий технологиялар асосида жиҳозланган ушбу корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ҳамда харидорлиги билан минтақада ўз ўрниға эга бўлди.



Корхона йиллиға 6 минг тонна гидроксипропилметил целлюлоза, 10 минг тонна пахта целлюлозаси ишлаб чиқариш қувватига эга. Бугунги кунда ички эҳтиёж тўлиқ қаноатлантирилиб, органи буюртмалар портфели орқали четға экспорт қилинади.

Мазкур корхонада тайёрланаётган маҳсулотлардан қурилиш материаллари ҳамда тўқимачилик саноатида кенг фойдаланилади. Аynи кунларда ишлаб чиқарилиши 90 фоиз маҳаллийлаштириш устида иш олиб борилмоқда.

«Халқ сўзи».

ИНСОН ЖАМИЯТНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИДИР

Франция пойтахтида бўлиб ўтган ёзги Олимпия ўйинларида юртимиз спортчилари кўлга киритган натижалар, ўрнатган янги рекордлар бутун халқимизни руҳлантириб юборди. Юртдошларимиз халқаро миқёсда қозонилган ғалабадан кучга тўлиб, чексиз хурсандчилик кайфиятини ҳис қилдилар. Тўрт йиллик мусобақалари давомида бутун халқимиз вакилларимизга бор вужуди билан муҳлислик қилди. Барчамиз уларнинг ғалаба қозонишларини чин қалбдан истадик. Мана шу умумий истак бизни бирлаштирди. "Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!" деган шior амалда намойён бўлди.

Мушоҳада

Паралимпия ўйинлари натижалари ҳам бундан кам бўлмади. Матонатли спортчиларимиз яна халқимизнинг жипслашишига, чексиз фахр-ифтихор туйғуларини туйишига сабаб бўладиган ғалабалар билан қайтдилар. Қуни кеча Президентимиз юксак натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди. Паралимпиядачиларимиз, уларнинг ота-оналари ва мураббийлари билан учрашиб, барчасини эришилган ғалабалар билан самимий қутлади. Ҳар бир спортчининг ютуқларини алоҳида қайд этиб, кейинги фаолиятларида янада юксак чўққиларни забт этишларига ишонч билдирди. "Ўз Ватанини жону дили билан севадиган, метин иродали, юрагида ўти бор инсонларгина шундай улуг ишларга қодир бўлади", деди Президентимиз. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир спортчини шахсан табриклаши, навбатдаги ғалабаларга руҳлантириши мамлакатимизда инсон қадрини унлуғлашга қаратилган сиёсатнинг ҳаётий инқисоидир.

Чиндан ҳам, инсон қадрини улуг. Уни эъзозлаш, асраб-авайлаш — ҳар биримизнинг бурчимиз. Ўзбекистон халқ артисти, мушовоз хонанда Нуриддин Ҳамроқуллов ижросидаги "Оламини сақланг, дўстлар, одамни сақланг, дўстлар" деган қўшиқ янраганида диллимизда ажиб ҳислар уйғониши ҳам шундан. Ҳаммамиз бир-биримизни сақлашимиз, эҳтиёт қилишимиз, янгидан-янги зафарларга руҳлантиришимиз керак. Бу борада Юртнобимиз бизга ўрناк бўлиб турибди.

Аслида инсон умри унча узок эмас. Ана шу умр давомида қанчадан-қанча асабини жунбўшига келтириш, ҳаяжон, тўлқинланиш мужассам. Ота-она фарзанди учун қанча изтироб чекади. Уғил-қиз эса ота-онасини вақтида авайламагани учун кейинчалик афсус чекади.

Устозим Зийед Есевоёвнинг ҳикоя қилишича, бир амалдор у кишининг оилавий суратини кўриб, "Эҳ, афсус, Зийед ака, мен онам билан расмга ҳам тушмаган эканман!", деган экан. Бу ҳикоя ўшанда менга ҳам қаттиқ таъсир қилганди ва тезда Жиззахга бориб, ота-онам билан расмга тушганим. Ҳозир бу расм туширилган гилам уйимизда осилгил турди. Ҳар сафар укаларим, сингилларим билан тугилиб ўсган ховлида тўплаганимизда, падали бузрукворим, волидан муҳтарамам бу йилгида сурат орқали иштирок этгандек бўлишди. Мана шундай — кимларнингдир хатолари ҳам баъзан бизни тўғри йўлга бошлайди.

Аслида одам боласининг бу дунёда яшайдиган мақсад яхшилик қилиш, ўзгалар ҳаётига мазмун бахш этишдир. Шунинг учун оилада ҳам, хизмат жойида ҳам, жамоатчилик даврасида ҳам инсонга наф келтириш — олий саодат.

Мутахассисларнинг фикрича, касалликларнинг 99 фоизи асаб бўлишидан келиб чиқар экан. Баъзан арзимган майда-чўйда ишлар учун асабвийронлик рўй беришини кузатиш мумкин. Бир одамнинг эртдан-кечгача бошидан кечирган воқеаларини илгга тизган маржондек қўйиб чиқсангиз, қанчадан-қанча

беҳуда жон кўйдирилганини тасаввур этишингиз мумкин.

Ҳўш, инсон умуман жон қойитмасдан яшаши керакми? У ҳолда ҳаёт мобайнида ҳамма нарсага лоқайд қараган, иссиқни ҳам, совуқни ҳам беварқ қабул қилган бўлмайми? Самарали натижага эришиш учун жон қойитиш, ўзини қийнаш керак, деган гап қаерда қолади?

Шулар ҳақида ўйлар эканман, аслида бу борада ҳамма гап олтин ўрталикни йўқотмасдан яшашда, деган хулосага келаман. Бизнинг ҳар бир ҳаракатимиз, жон қойитишимиз яхшилик йўлига хизмат қилиши керак. Куйиб-пишиб билдираётган фикрларимиз "асабини қайраш"га эмас, балки масаллага ечим топишга йўналтирилса, руҳимиз энгил тортади. Бизга ҳам, суҳбатдошимизга ҳам фойдали бўлади. Аввало, шунини унутмайликки, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон жамиятимизнинг бебаҳо бойлигидир. Шу боис Ўзбекистон аҳолиси ҳар сафар навбатдаги довонни забт этганда, қалбимиз гурурга тўлади. Ватанимизда ҳаётнинг бош мақсади бўлган — "Инсон қадрини улуг, эл-юрт бахти учун!" амалга оширилаётган ишлар ўз натижаларини бераётганидан қувонч ҳиссини туйамиз.

Бугун инсоният глобаллашув палласида экани бот-бот тақдорланганди. Демак, сайёрамизнинг бир бурчагидаги ўзгартиш бошқа жойларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шундай бухронли замонда фақат Ўзбекистонда эмас, балки бутун Марказий Осиё минтақасида осойишталик худудини яратиш учун сайёҳаракат қилинаётгани аниқ мудао. Ана шу ният рўйбеда Ўзбекистонимизнинг ҳал қилувчи роль ўйнаётгани кўнгилларга таскин бахш этади.

Баъзан ҳамма нарсадан норози бўлиб юрадиган одамларни кўриб, "Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё, иллат излаганга иллатдир дунё", деган қанотли сўзлар ёдимга тушади. Одамнинг дил тубидаги ниятда гап кўп. Жамиятимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлардан илҳомланиб яшаётган инсонда яратувчилик туйғуси жўш уради. Тирноқ остидан кир қидираётган одамнинг эса руҳиятида доим тушкунлик ҳукмрон. Абдурауф Фитрат "Халим гап оламнинг осойишталиги учун зарурдир", деб беҳиж айтмаган. Бўлар-бўлмасга айоханнос солган билан иш битмайди. Ҳар бир масалани муҳокама қилишда босиқ-вазмин мулоҳаза юритган афзал. Атрофимизга яхшилаб назар солайлик, кейинги йилларда уй берган ўзгаришлар акс этган, рад қилиб бўлмайди-деган кўрсаткичлар бор. Ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар ҳақида ўйласак, беҳуда асабийлашадиган ўзимизни асраймиз.

Ҳўш, бевосита инсонни асраш, эъзозлаш нималарда намойён бўлади? Ҳамкасбингиз ёки ёл қўшингиз эл-улусга наф келтирувчи ишга кўл урди, дейлик. Шунда уни қўллаб-қувватлаш, руҳлантириш тўғри бўлади. "Арағимча гил қувват", деган гап бор. Агар эзгулик эътироф этилмаса — йўқа чиқади, қўллаб-қувватланса — бардавом бўлади, жонажон Ватан равақига ҳисса бўлиб қўшилади.

Шухрат ЖАББОРОВ («Халқ сўзи»).

Каштадўзлик мактаби ижодкорлари

Ҳаёт тасодифларга бой. Бухоро вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш институтида ўқигани оддий қишлоқ муаллимасининг тақдирини батамом ўзгартириб юборди.

— Ўшанда кечқурунлари ётоқхонада онамерос ҳунар — кашта тикиш билан шуғулланиб, шунинг ортидан уч-тўрт сўм пул ҳам топар эдим, — дея эслайди Шофиркон туманидаги Гулистон маҳалласида яшовчи Зухра Облобердиева. — Бухоро шаҳридаги мактаблардан бирининг раҳбари мен тиккан буюмларнинг анча-мунчасини сотиб олди. Мактабда хорижий меҳмонлар шарафига кўрғазма ташкил этилаётган экан.

Қадрият

Эртасига эса қутилмаганда вилоят ҳокимлигидан муаллимани сўроқлаб келиди. Уни ҳунармандлар иштирокидаги тадбирга таклиф қилиди. Маълум бўлишича, БМТнинг ўша пайтдаги ваколатхонаси раҳбари Холид Малик бошчилигидаги меҳмонларда қўл меҳнати маҳсули саналган каштачилик буюмлари катта қизиқиш уйғотган, уларда Зухра опа билан мулоқот қилиш истаги турган.

— Суҳбат жараёнида каштачилик аънаси, сулоламиз ҳақида сўзлаб бердим, — дея давом этади З. Облобердиева. — Шунда Шофиркон каштачилик мактабини қайта тиклаш гояси турилди. Гап шундаки, бу мактаб илдини туманимиз худудига узок ўтмишда гуллаб-яшнаган, Бухорудан ҳам қадимийроқ саналган қўхна Варзонага бориб тақалади. Меҳмонлар истагига кўра уларни уйимизга бошлаб бордим.

Холид Малик ва бошқалар тут сосида кашта тикиб ўтирган онажонимни кўриб, жуда таъсирланди. Буларнинг бари ЮНЕСКО билан каштачилик мактабини қайта тиклаш мақсади кўзда тутилган ўн йиллик шартнома тузилишига туртки бўлди. Шу тарихи Хошлипоён қишлоғида Шофиркон каштачилик мактабига асос солинди. Нафақат ён-атроф, балки Нурота, Шахрисабз, Шеробод туманларидан ҳам ўнлаб ёшлар келиб биздан каштачилик санъати сир-асрорларини ўргана бошлади.

Воқеалар ривожидан ўзиб айтиш лозимки, Зухра опанинг буюси Зубайдаҳон 105 ёшда, онаси Зулайҳо ая эса 97 ёшда вафот этган. Иккаласи ҳам умрининг охирига қадар кашта тикиш билан машғул бўлган.

Мато, ипак иш ва бигиз каштадўзнинг асосий қурилиди. Бу ҳунар кишидан кўз нури, кунт, сабр-тоқат, юксак дидни талаб этади. Бир сўзана учун каштадўз



ойлаб давомида меҳнат қилади. Зухра опа қўлидан чиққан сўзаналар эса узининг нафислиги, гўзаллиги билан ажралиб туради. Бунга у алоҳида эътибор беради. Биргина "нигор" деб аталган сўзанада юздан зиёд ранглар ишлатилган. Буни бежиз айтаётганимиз йўқ, Сўзаналарда одамларнинг орзу умидлари, табиатга бўлган муҳаббати, гўзалликка интилишлари ўз аксини топади, десак, хато бўлмайди.

Дарвоқе, бу сулола иш фаолиятини мўъжаз бир кластерга қийслаш мумкин. Табиий бўёқлар ҳам фарзандлари ва оила соҳибни Чўлибой Раҳимов томонидан тайёрланади. Эътиборлиси, айни дамда қарийб 200 нафар хотин-қиз каштачилик ортидан ризқини топмоқда.

Ҳунар ортидан дунёнинг ўттизга яқин мамлакатларида бўлган, давлатимиз томонидан

"Дўстлик" ордени билан тақдирланган қаҳрамонимизнинг фаолияти япониялик санъатшунос Еми Имахорени ҳам қизиқтириб қўйди. У атайин Шофирконга келиб, икки йил давомида каштачилик сир-асрорларини илдан-иғнасига-ча ўрганди, Японияда Зухра Облобердиеванинг кўрғазмаси ташкил этилишига бош-қош бўлди. Бу эса Кунчиқар юрт аҳолисининг миллий каштачиликмига бўлган қизиқишини оширди. Яқинда бир гуруҳ япон ёшлари Бухорога келиб, Зухра опадан маҳорат сабоқлари олишди.

Зухра опа билан хайрлашарканмиз, у миллий қадриятларимизнинг ажралмас бир бўлиги саналган каштачилик санъати ҳам ўз бошидан оғир дамларни кечирганига эътиборни қаратди.

Аммо истиқлол шарофати, Зухро Облобердиевага ўхшаган фидойи инсонлар сайёҳаракати билан бу бетакрор санъат мактаби қайта буй кўрсатмоқда. Зубайдаҳон Зулайҳо аяларининг орзу-армонлари Зухра опанинг сайёҳаракати билан ушалди. Халқимиз ақлу заковати маҳсули саналган мўъжизвий сўзаналар эндиликда дунё кезаяпти, эътирофу эътиборга сазовор бўляпти. "Ўқибдан дарё оқаверида!", деганлари шу эмасми?!

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Чет элда ҳам бозори чаққон

Бугунги ислохотлар замирида, аввало, тинчлик ва фаровон ҳаёт кечирishi йўлидаги сайёҳаракатлар ётибди. Бу ўзгаришларга эса ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўйишга ҳаракат қилмоқда.

Дил сўзи

Шу маънода, энг улуг байрамимизни муносиб меҳнат зафарлари билан қарши олдик. Корхонамизда 20 турдаги гилам ишлаб чиқарилаётган бўлса, маҳсулотларимизга чет элда ҳам харидорлар кўп. Гиламларни, асосан, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва Афғонистонга экспортга чиқаряптимиз.

2021 йилда Туркия Республикасининг "КУККИМҲА" ва "YAKUT HALL" фирмаларидан қиймати 800 минг долларлик 2 та замонавий гилам ишлаб чиқарадиган ва ип тайёрлашган асбоб-ускуна олиб келдик. Бунинг ортидан корхонада 42 та янги иш ўрни очилди. Шунингдек, йилга 6 миллиард 120 миллион сўмлик гилам

маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йили Бельгиянинг "VRW BVBA" фирмасидан тафтинг гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ускуна келтирилди. Яна 30 та янги иш ўрни яратдик. Бугунги кунда жамоамиз йилга ўртача 1,6 миллион квадрат метр маҳсулот тайёрлаб, ички ва ташқи бозорлардаги мижозларга етказиб беришмоқда.

Жорий йил якунига қадар қўшимча ишлаб чиқариш цехларини ишга тушириб, замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар олиб келиш эвазига экспортбоп гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини янада оширмоқчимиз.

Умаржон ИБРОҲИМЛАЕВ, Урғут туманидаги «Bekmez Carpet» МЧЖ директори, «Шухрат» медали соҳибни.

Эртанинг умиди ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШГА РАҒБАТЛАНТИРАДИ

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун "Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб" танлови ёшлар ўртасида чет тилларини ўрганишга қизиқишини оширишга қаратилган билан муҳим ҳаёмият қасб этади. Дастлаб танловнинг туман (шаҳар) босқичида ўқувчиларнинг грамматика, ўқиб тушуниш ва луғат бойлиги бўйича билимлари синалса, вилоят босқичида ёзиш ва озаки нутқ кўникмалари ҳам синовдан ўтади.

Апрель ойида яқунланган танловнинг вилоят босқичида сўнг уч ой мобайнида 5 нафар иқтидорли ўқувчи миз билан республика босқичига тайёрларик кўрдик. Биз уларни масъулиятли синовга рухан тайёрлаш мақсадида CEFR ва IELTS имтиҳонларига йўладик. Натихада 2 нафари IELTSдан 7 ва 8 даража, уч нафари CEFRдан 65 — 70 балл тўплашди. Шу сабаб республика босқичида ўқувчиларимиз тўплаган умумий балл 75 дан 68,5 ни ташкил этди. Очиги, бу инглиз тили ўқувчилари учун ҳам ҳавас қиларли даража ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари жорий йил 27 июнда имзолаган "Ёшларни хорижий тилларга ўқитиш тизими самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори янги имкониятлар эшигини очди. Ушбу қарорга кўра ёшларни хорижий тилларга ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, талаб юқори бўлган чет тилларини мукаммал ўзлаштириш учун шароитларни кенгайтириш ҳамда имтиҳон топшириш харажатларини қоплаш белгилангани кўпчилики мамнун қилди.

Бугунга қадар хорижий тилларни ўрганиш жараёни мактабларимизда умумийлий ҳаракатга айланиб улгуйча энг яхши мактаб" танловининг 19 — 23 август кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган финал босқичида мактабимиз жамоаси 1-уринни эгаллади.

Маълумки, тил билиш даражаси тинглаб тушуниш, ўқиш, гапириш ва ёзиш кўникмаларига асосан баҳоланади. Буларнинг ўзига

Ўзбекистон Бадий академияси жамоаси Ўзбекистон Бадий академияси ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон санъат арбоби, "Фидокорна хизматлари учун" ордени соҳибни Владимир БУРМАКИНнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Мадина УРДУШЕВА, Жиззах шаҳридаги 22-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси.

СЕНТОБ — ТУРИЗМ ҚИШЛОҒИ

Бу ернинг жозибадорлиги нимада?



Нурота туманидаги Сентоб қишлоғида истиқомат қилаётган Адҳам Араббоев умрини ёш авлодга таълим-тарбия беришга бағишлаган, узок йиллар мактабга директорлик ҳам қилган.

Сайёҳлик

Яқинда Сентобга бориб, Адҳам ақани йўқладик. Айни пишиқчилик палласи эмасми, чоргоққина томорқасида экан, бир сават помидор билан олисдан турганиш берди. Яқинлашгани сайин одамнинг меъдасини қитиқловчи помидор ҳиди димоққа ўрлади.

Бу ҳид бегоналашиб кетганига ўн — ўн беш йилча бўлган, яқин орада, ҳатто бозорларда ҳам буни туймаган эдим. Салом-алиқдан кейин унинг нави билан қизиқдим.

— Тўғриси, навини билмайман, укам, — деди Адҳам ака. — Ота-бобомиз эккан нав, шунинг уругидан экамиз, кўчат қиламиз, янаги йил яна экамиз. Бозордан кўчат олмайми. Ҳамсоялар ҳам шундай қилишди, нав бузилмасин, деймиз-да.

Гувоҳи бўлганимиздек, Сентоб ўзининг минг йиллик тарихи, анъаналари ва қадриятларини ардоқлаб келаётган қишлоқ. Йилнинг исталган фасли, айниқса, ёз чилласида шу қишлоққа бориб, "Акко" булоғининг шифобахш сувидан ичган киши руҳан тетиклашиб, Сентоб-

нинг кўҳна тепалиқларига кўтарилишда ҳам чарчок сезмайди. Улардан бири — "Баланди Умар" худудидаги қоя тошларга ўйилган V-VI асрларга оид битик ва петроглифлар, яна юқориқоқда қадимий кўрғон қолдиқлари қишлоқ аҳлининг боқий қадриятларидан ҳикоя қилади. Энг баланд нуқтада эса Фозилмон қўли жойлашган, бу ердан қишлоқ қафтьдек кўзга ташланади.

Сой ёқалаб қарийб ўн километрга чўзилган Сентобда натурал ҳўжалик юритиш тизими ҳам сақланиб қолган. Чорва ва чорбоққа эга бўлганлар оилани учратиш мушкул. Рўзгор учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг деярли ҳаммасини ўзлари еттиштириб, ўзлари қайта ишлашди. Бундан ташқари, қишлоқ аҳли тоғ ва адирликлардан зирavor гийёҳлар ҳамда мўмиё каби дориворларни йиғиб, бозорга олиб чиқади.

Табиийлик, бундай омиллар қишлоқнинг туризм жозибадорлигини таъминлаб, бугун Сентобда 20 та оилавий меҳмон уйи ва 3 хостел фаолият кўрсатмоқда. Уларда 15 дан ортқ турдаги туристик хизматлар йўлга қўйилган. — Инсоният тамаддунининг

дастлабки босқичларидидаги турмуш тарзи одамлар қон-қонига сингиб кетган — доим ўзига тортади, — дейди Франциянинг Страсбург шаҳридан келган ўлкашунос сайёҳ Томас Курт. — Масалан, кўкатларни хуш қўриш, тоза теридан тайёрланган кийимлар кийиш, ов, жонли уллов минчи ва шунга ўхшаш машғулотлар генимизда ҳали-ҳануз сақланиб қолган. Сентоб каби қишлоқларда бунга имкон топиш мумкин. Қишлоқ туризмнинг мен учун жозибадорлиги шунда.

— Меҳмонхонамизга кўпроқ Франция, Бельгия, Германия сингари мамлакатлардан сайёҳлар келади, — дейди "Сентоб — Шахи — Юстафо" хусусий корхонаси иш юритувчиси Мўътабар Бобоёва. — Хорижий меҳмонлардан айримлари қайта-қайта келаётгани учун улар билан қадрдон бўлиб қолганмиз. Ҳаёт тарзимиз маъқул тушса керакда, кетгиси келмай, ўрик-ўч кун қолиб меҳмон бўлишди. Пиеда тоғ каби, қишлоғимиз тарихи, бугунги билан танишишди. Эрталаб сизир соғиш, пишиқчилик пайти эса тут шинни тайёрлаш, ўрик қуритиш каби рўзгор юмушларида беихтиёр бизга қўшилиб кетишди.

Ҳақиқатан ҳам, Сентобсойга борган кишининг дарров ортга қайтгиси келмайди. Биз эса эски танишимиз, таълим фахрийси

Адҳам Араббоевнинг хонадонига яна қайтамиз.

Дарвозаданок зирavorларнинг иштахани қитиқловчи хиди димоққа урилади. Оила бекаси келини билан айвон кўринишидаги ёзги ошхонада таом тайёрлашмоқда.

— Бу йил кўклам серёғин ва салқин келганига қарамасдан ўрик ва тутга зарари теғмади, — дейди Адҳам ака. — Ўт-ўлан, тоғда зира ҳам мўл бўлди.

Адҳам ака зиранинг ортидан аввалига шахсий, кейинчалик эса қишлоқ инфратизими билан боғлиқ муаммоларга ечим топилигани ҳақида завқ билан ҳикоя қилади. Бугун бу ерда кутубхона, оилавий шифокор пункти ва бошқа қатор маданий-маиший марказлар аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Сентоб — бугунги кунда "Туризм қишлоғи" мақомидаги гўша. Шу муносабат билан "Обод қишлоқ" дастурига навбатсиз киритилиб, кенг қўламдаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Қишлоққа олиб борувчи беш километрлик ички йўл таъмирланиб, кўчаларга тунги ёритиш чироклари ўрнатилган. Иккита пиедалар кўприги, иккита селфи худуди, учта санитария-гигиена шохобчаси, қишлоқнинг "Сентоб" рамзий стелласи, туристик ахборот маркази қурилди. Оилавий

меҳмон уйлари ва хостелларга элтувчи халқаро стандартларга мос кўрсаткичлар ўрнатилди. Сентобда форсийзабон аҳоли кўпчилики ташкил қилади. Кафт-деккина қишлоққа Европанинг деярли барча мамлакатидан сайёҳларнинг келиб-кейтиши, бу, аввало, юртимизнинг дунёга очиклик сиёсати ва туризм индустриясига катта эътиборини самарасидир. Шунингдек, маҳаллий аҳоли томонидан миллий қадриятларнинг эъзозланиб, замон талаблари асосида бойитилиши қишлоқ донининг етти климатга танилишини таъминламоқда.

Азалдан деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик билан шуғулланиб келган худуд аҳолиси асрий қадриятларини сақлаб қолгани, меҳмондўстлиги тўғрисида яна бир соҳа — туризм билан шуғулланишга ҳам ихтисослаштирилди. Самарқанд шаҳрида ўтказилган UNWTO Бош ассамблеясининг 25-сессияси доирасида "Best Tourism Villages 2023 Awards" ("2023 йилнинг энг яхши туризм қишлоғи") номинацияси бўйича Сентоб қишлоғи голиб топилигани бежиз бўлмаганини бу ерга келган ҳар бир киши теран англайди.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

10 — 14 октябрь кунлари кўҳна Самарқанд шаҳри академик эшқак эшиш бўйича Осиё чемпионатида мезбонлик қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 942. 12 918 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезагетаси ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотилибати 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

Тахририятга келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг муаллиф берилиши учун обунани расмийлаштарган таъкилот жаовбар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан садиқланади.

Газетанинг полиграфик жиҳаддан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси масула. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислои Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

"Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буок Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.45 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6